



# БҲҲҲҲҲҲ

## Хориж бозори сари йўл

Бугунги кунда пойтахтимизда улкан бунёдкорлик ишларини амалга оширишда сифатли, импорт ўрнини босувчи қурилиш материаллари ишлаб чиқарётган ўрта ва кичик корхоналарнинг ҳам ўзига яраша ўрни бор. Ана шундай корхоналардан бири маҳсулотлари билан нафақат шаҳримизда, балки мамлакатимизда ҳам ўз харидорига эга бўлиб бораётган, шу билан бирга жорий йилда хориж бозорига чиқишни кўзда тутиётган «Ромсервис» масъулияти чекланган жамиятидир.

Бундан 3 йил аввал иш бошлаган ушбу корхонада ишлаб чиқариш ҳажмининг йил сайин ортиб бораётганлиги, янги технологиялар асосидаги маҳсулотларнинг харидорларга етказиб берилаётганлиги, маҳаллий хом ашёдан сифатли ва рақобатбардор қурилиш ашёлари ишлаб чиқарилаётганлиги интилиш, изланиш, ташаббус кўрсатиб тадбиркорлик билан иш юритилаётганлигидан дарак беради. Утган йили корхона тадбиркорлари буюртмаларни тўлиқ адо этиб, 50 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқаришга муваффақ бўлди. Олинган соф фойда эса 17 миллион сўмни ташкил этди.

— Корхонамизда 25 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилади, — дейди корхона директори Петр Романов. — Шуниси эътиборлики, биз ишлаб чиқарётган йўл ва йўлак плиткалари ва бордорларнинг бир неча турлари мавжуд бўлиб, уларнинг фойдаланиш мuddати 50 йилдан ортиқни ташкил этади. Аввалги уларни бир хил тусда ишлаб чиқарган бўлсак, ҳозирда маҳсулотларимизнинг кўриниши, шу билан бирга ранги жиҳатидан харидор талабига тўла жавоб беришни таъминлашга му-



ваффақ бўлди. Шу кунга қадар маҳсулотларимиздан «Олой» бозори, «SOS-боллар маҳалласи», Ўзбекистон ҳаво йўллари миллий авиаконаниси авиакассалари, Тошкент вилоти ҳокимияти биноси, Х.Олимжон майдони, «Турон» ресторани, «Юнусобод» маданият ва истироҳат боғи қурилишларида муваффақият билан фойдаланилди. Албатта, бугун харидор дини ўрганиб, бозор талаблари асосида иш юритган тадбиркорнинг ошиғи олчи эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу боис ҳам «Ромсервис»чиларнинг ҳам изланишлари жорий йилда ўз самарасини бермоқда. Яқинда олинган кредит эвазига жамоа қошида таъсисчилари «Ўзқишлоқ» маши- акциядорлик жамияти, «Ромсервис» масъулияти чек-

ланган жамияти ҳамда Италиянинг «Planet System srl» фирмаси бўлган қўшма корхона иш бошлаши режаланаётган. Бунинг учун шу кунларда Италиядан юксак унумли замонвий дастгоҳларнинг келишига кўра, таъсисчиларнинг ишга тушуши натижасида корхонада яна 40 та қўшимча ишчи ўрни яратилиши билан биргаликда янги дизайнли йўлак плиткала- ри, черепица ҳамда деворни безовчи плиткалар ишлаб чиқариш йўлига қўйилди. Шуниси қувонarliки, натижада ишлаб чиқариш ҳажми бир неча ўн баробарга ўсиб, йилга 1 миллиард 300 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш кўзда тутилмоқда. — Харидор топиш ҳам бир маҳорат, бир санъат ҳисобланади, — дейди Петр Романов.

### ТАДБИРКОРЛИК

— Албатта, бунинг учун энг муҳими маҳсулотнинг сифатли бўлишидир. Бизнинг тажрибали мутахассисларимиз эса бор маҳоратларини ишга солишиб, замонвий технологиядан унумли фойдаланиб бунга, шубҳасиз эришадилар. Ҳозирда ишлаб чиқариши режаланаётган черепица маҳсулотимизга Қозоғистондан харидорларимиз бор. Шунингдек, Хамдўстликнинг бошқа давлатларидан ҳам маҳсулотларимизга буюртмалар тушмоқда. Ишонимизки, хориж бозорига чиқишимизга яқин кунлар қолди. Бунинг учун биздан изланиш ва тинимсиз меҳнат талаб қилинади, ҳолос.

Яна бир нарсани алоҳида айтиш кераки, корхона тадбиркорларининг янгиликка интилиши, қўзалаган мақсади аниқлиги бу йил ҳам ўз самарасини берди. Юнусобод туманида ўтказилган «Ташаббус - 2002» кўрик-танловида улар «Энг яхши тадбиркор» номини олишга муваффақ бўлишди. Албатта, юксак мақсад ва эзгу ниётлар уларга ҳамиша қанот бўлмоқда, шу боис ҳам улар «Ўзбекистонда тайёрланган» тамга- ли маҳсулотларни хориж бозорига ҳам ўз ўрнини топиши учун тинимсиз саъй-ҳаракат қилишмоқда.

**Шарифа ИЛЁСОВА**  
СУРАТДА: корхона директори (ўртада) Петр Романов («Ташаббус-2002» кўрик-танловида «Ромсервис» маҳсулотларини намойиш этмоқда).

## ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ — МАЪНАВИЯТ НЕГИЗИ

Гўзал пойтахтимизнинг маданият қосоналаридан бири — Теурийлар тарихи давлат музейида Қарияларни қадрлаш йили ва ёшариш ҳамда янгиланиш байрамига бағишланган «Наврўзи олам муборақ!» номли тадбир бўлиб ўтди.

Уни Тошкент шаҳар «Маҳалла» хайрия жамғармасининг «Қадрият» давраси, Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси қошидаги «Фахрия аёллар» уюмаси, Тошкент шаҳар Маънавият ва маърифат маркази билан музей ходимлари ҳамкорликда ташкил этилди.

Тадбир Наврўзи олам ва Қарияларни қадрлаш йилига бағишланганлиги сабабли унга Тошкентнинг барча туманларидан фидойи кесаларимиз ташриф буюрдилар.

Байрам кечасини Чилонзор туманидаги 4-мактаб интернат ўқувчилари кичик концерт дастури билан бошладилар. Шундан сўнг шаҳар «Маҳалла» хайрия жамғармасининг «Қадрият» давраси раиси М. Юнусхўжаева «Наврўз ва қарияларни қадрлаш — маънавият негизи», шаҳар хотин-қизлар кўмитаси қошидаги «Фахрия аёллар» уюмаси раиси Х. Бобонова «Қарияларни эъзозлайлик», тарих фанлари номзоди Т. Файзиёв «Теурий маликалари» мавзуларида сўзга чиқдилар.

Шу кун музейда Рассомлар бадий академиясининг аъзолари — Азиза Маматова ва унинг шогирди Улугбек Маматовлар ижодига бағишланган шахсий кўргазма ҳам очилди. (Ўз мухбиримиз).

### САНОАТ



## Сифатга эътибор

Пойтахтимиздаги 1-Тошкент босмахонаси матбаачилари ўтган йилни самарали ютуқлар билан яқунлаб, 1 миллиард 97 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришди.

Ушбу кўрсаткич аввалги йилга нисбатан уч бараварга кўп бўлиб, сифатга эътибор қаратилгани боис ҳам буюртмачилар сони ортди. Албатта, бугунги кунимизни матбаа маҳсулотларисиз тасаввур эта олмаймиз. Янги нашрдан чиққан китобу журналларни арақлар эканмиз, ҳам дам оламиз, ҳам маънавий озиққа эга бўламиз. Бу борада эса китобхонларнинг маънавий озиқа олишига муносиб ҳисса қўшаётган, шу билан бирга мактаб, коллеж ҳамда лицейларнинг ўқувчилари учун дарсликлдан тортиб ўқув қуролларига ҳам ишлаб чиқарётган ва буюртмалар асосида барча матбаа маҳсулотларини тайёрлаётган, уларнинг сифатини таъминлаётган матбаачиларнинг меҳнатларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Биз ҳикоя қилаётган корхона кекса матбаа даргоҳларидан ҳисоблангани боис ҳам, бу ерда тажрибали ишчи-хизматчилар ва уларнинг шогирдлари меҳнат қилишади. Ана шу тўпдан тажрибаларнинг қўл келганлиги шунда намойиш бўлдики, ўтган йили мамлакатимизда ўтказилган тендерда голиб чиққан жамоа 1-синф ўқувчилари учун ўқув ашёлари тайёрлаб беришди. Шунингдек, лицей ва

коллеж ўқувчилари учун 10 тадан ортиқ турли номдаги дарсликлар чоп этилди. Шунинг таъкидлаш лозимки, республикамизда энг сифатли ранг айририш ускунаси ҳам ушбу корхонада ўрнатилганлиги буюртмачилар сонининг ортишида муҳим роль ўйнамоқда.

— 270 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган жамоамиз ахли Жорий йилда ҳам гайрат кўрсатиб ишламоқда, — дейди корхона раҳбари Азимжон Рихсиев. — Пойтахтимиздаги барча нашриётлар билан ҳамкорликда ишлаймиз. Йил бошидан ҳаракат қилиб республика Халқ таълими вазирлиги томонидан 1-синф ўқувчилари учун ўқув ашёлари тендерда қатнашяпмиз. Шунингдек, Осиё тараққиёт банки орқали кредит олиб, Япониядан 4 бўёқли энг замонвий босма машинаси келтириб ўрнатилган режалар турибмиз. Бу, албатта, маҳсулотларимизнинг янада сифатли чоп этилишини таъминлайди.

Шубҳасиз, йил бошидан қилинган ҳаракат ўз баракасини беради.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТДА: муқова цехи бошлиғи (ўртада) Насима Солиқова шогирди Салима Халмвовага кўрсатма бермоқда.

### ТАДБИРЛАР

## Машғулотлар — юқори савияда

Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари Кенгашида қасаба уюшма ўқувини мунтазам ва юксак савияда ўтказиш йўлига қўйилган. Яқинда пойтахт қасаба уюшмалари Кенгашида тармоқ қасаба уюшма шахар кўмиталари раҳбарлари, шаҳар Кенгаши ходимлари иштирокида навбатдаги машғулот бўлиб ўтди. Тадбирни Кенгаш раиси Мирзохид Содиков қисқача кириш сўзи билан очди. Республика Маънавият ва маърифат марказининг Тошкент шаҳар бўлими

раиси, техника ва иқтисод фанлари доктори, профессор Саид Салимов «Оммавий ахборот воситаларининг вазифалари: жаҳон таърибаси ва замонвий тенденциялар» мавзусида маъруза қилди. Маърузачи оммавий ахборот воситаларининг вазифалари, улар фаолиятининг мазмун-моҳияти, оммага таъсири, сўзининг қудратли кучга эга эканлиги, жаҳон миқёсида оммавий ахборот воситаларининг нуфузи, тарбия воситаси сифатида ҳам таъсирчан-

лиги янада ўсиб, кўлами тобора кенгайиб бораётганлиги, ахборотнинг аҳамияти гоят муҳимлиги ҳамда кишиларнинг дунёқарашидаги аҳамияти, жамият ҳаётида катта роль ўйнаётганлиги каби унинг муҳим жиҳатларини алоҳида таъкидлади. Эркин фикр алмашиш руҳида, савол-жавобларга бой тарзда ўтган қасаба уюшма ўқувининг навбатдаги машғулоти иштирокчиларда ёрқин таассурот қолдирди.

Улугбек ПУЛАТОВ



## Моҳир сайқалловчи

«Инсон қўли гул», деб бежизга айтилмаган. Чиндан ҳам бугун ҳар бир соҳа ходимининг ўзига хос меҳнати самарасини кўриб бунга юз бор амин бўласиз.

Ана шундай моҳир уста-лардан бири сайқал ишларини маромида бажарувчи Мирсобир Муротов 15 йилдики, «Саноатхизмат» кичик корхонасида ўз меҳнати билан хурмат-эътибор топаётганлардан. У ўз ускунасини кўлга олиб иш бошлаганида бутун фикри-ёди, диққатини меҳнат унумига, сифатига қаратади. — Жуда кўп бунёдкорлик ишларида ўз маҳоратини намойиш этганидан фахрланаман, — дейди Мирсобир Муротов. — Чунки ҳозирда бу ишчилар шаҳримиз кўришга кўрк қўшиб, одамларга завқ бағишлаётгани, шубҳасиз. Яқинда пойтахтимиздаги кўркам ва салобатли ишоотлардан бири бўлган Тошкент Давлат консерваторияси биноси қурилишида ҳамкасбларим қаторида фаол иштирок этганидан беҳад хурсандман. Мақсадим бор билимим ва маҳоратимни шахримиз гўзаллигини намойиш этишга сарфлашдир. Истардимки, бизнинг кўлимизда сайқал топган ушбу бинолар асрлар бўйи яшасин.

**Сайёра МЕЛИҚУЗИЕВА**  
СУРАТДА: Мирсобир Муротов иш устида.  
Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

### МУЛОҲАЗА

## Қўшним уй «таъмирляпти»

Беш қаватли уйнинг энг юқори қаватида яшаймиз. 4-қаватдаги қўшнимиз уйини сотиб, ҳовлига кўчиб ўтди-ю бир-икки кун ўтмай янги қўшни хонадонидан тарақ-туруқ овозлар эшитила бошлади.

«Ха, энди янги қўшни таъмир бошлапти-да» деб кўя қолдик. Бир кун ишдан бориб, энди ошхонада овқатга уннаётганимни биламан, тарақ-туруқ овозидан қулоғим қоматга келгани ҳам майли, гурзининг деворга урилаётган зарбидан шафдаги идишлар ҳам учиб кетди. Назаримда ер қимирлаётгандай эди. Худди ошхона девори қулаётгандай кўриб кетдим. Гурзи зарби эса тинмай давом этарди.

Охири чидай олмай пастга тушдим. Эшикни «уста» очди. Аф-ангори чанг, қўлида катта темир гурзи. «Тинчликми, — дедим жаҳл билан — нима уйни қулатяпсизларми ёки...» «Кеннойжон, биз мардикоримиз, хўжайин буз, деди бузаяпмиз...». «Нимани бузаяпсизлар, ахир», — дедимда шахд билан уйга кирдим. Не кўз билан кўрайки, залнинг ҳамда ошхонанинг айвонга чиқиб қисмидаги деворлар ярмигача кўпориб ташланибди, уй ичи бетон чиқиндилари билан лиқ тўла. Иккита барзанги тўхтамай деворларга гурзи урмоқда...

Шу пайт «бахтимга» янги қўшни — хонадон эгаси «уста»ларига овқат олиб келиб қолди. Эшик очган бояги йигит нима гапчилигини тушунтириб шекилли, «Опажон, кечирасиз, ҳозир ярим соатда бўлишди, мен бу мардикорларни бозордан олиб келувдим, деворни бузишди-ю кетишди», деб ўзр сўрагандай бўлди. «Ахир бутун бир хонадондаги иккита деворни кўпориб ташласангиз, қўни-қўшнилари, уйнинг умумий ҳолатига зарар етисини уйламайсизми?» дедим киноя билан. «Ха, энди хусусий уйимиз, сотиб олганмиз, энг сўнгги урфда таъмирлаб, чиройли безаб яшамоқчимиз, бунинг нимаси ёмон, уйни қулатмаяпмизку. Одамларга ҳайронсан яхши яшасанг ҳам кўролмайдми...» тўнгиллади у.

Унга гапириш бефойдалигини ўйладиму чиқиб кетдим. Ана шунга ҳам бир ой ўтдики, қўшнимникида ҳамон таъмир ишлари давом этмоқда: тарақ-туруқ тинмайди. Лекин бир нарсасига ҳайрон бўлман, янги урфда таъмирлаш учун, уйнинг сейсмик ҳолатига зарар етказиб деворларни кўпориб шартмикан?! Фақат бизнинг уйимизда эмас, ҳозирда кўпчилик кўп қаватли уйларида ана шундай ҳоллар бўлаётганига гувохимиз. Нахотки ушбу хонадон соҳиблари фақат қўни-қўшнилариинг эмас, ўзларининг ҳаётларига ҳам зарар етказибганини ўйлашмасе. Тўғриси дилимдаги қўшнимига айтмаган гап тилимга кўчди: «Шунча пулнинг бор экан хусусий ҳовли сотиб ол, истаганингни қилаверасан».

(Ўз мухбиримиз)



Олланазар Жабборов 20 йилдики, Шайхонтоҳур туманидаги 1-сонли автомобиллар тўхташ жойига қарашли «Автохизмат» устaxonасида пайвандчи сифатида фаолият кўрсатмоқда.  
СУРАТДА: моҳир пайвандчи Олланазар Жабборов иш устида.

Ўлкамизга баҳор нафаси кириб келди. Ҳадемай кўклам бутун тароватини намойиш этиб, диллоримизга ажиб бир сурур бағишлайди. Ҳар бир қалбда ўзгача тўғён борқ уради. Ушбу тўғён борчамизни яратиш ва яшатишга ундайди. Шу боис ҳамшаҳарларимиз ҳам гўзал баҳорни хуш қайфиятда, ободончилик ва саранжом-сариятликка, покизаликка риоя қилиб кутиб олишга одаланишжон. Шайхонтоҳур тумани ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи ШОМАҚСУД ШОМАНСУРОВ бугунги баҳор юмушлари ҳақида қуйидагиларни гапириб берди.

— Ҳар бир ҳамшаҳримизнинг бугунги мақсади гўзал пойтахтимизни янада озода, кўкламзор ва гулзор шаҳарга айлантиришдан иборатдир. Айниқса, бундай юмушлар уйғониш фасли — кўкламда амалга оширилади. Шунинг учун ҳам «Кўклам — меҳнат билан кўркам» деган ибора бежизга айтилмаган.

Бошқармамиз ходимлари кўкламга тайёргарлик ишларини қиш фаслидаёқ бошлаб ўйоришди. Илик кунлардан фойдаланиб туманимиз ҳудудидagi каналлар тозаланиб, тартибга келтирилди, сув шохобчаларини тозалаш ишлари ҳам ниҳоясига етмоқда. А.Қодирий, Беруний, генерал Узақов, Навоий кўчаларидаги дарахтларга шакл берилди. Айниқса «Тошкентимизни гуллар шаҳрига айланти-

## Сифатли ва шифобахш

Аҳолини дори-дармонлар билан таъминлашда республикамизда фаолият кўрсатаятган қўшма корхоналар ҳам ўз муносиб ҳиссаларини кўшмоқда.

«Кор-фарманоат» ўзбек-ҳинд қўшма корхонасининг ҳам бу борадаги ўрни муҳим бўлмоқда. Янгидан ташкил топган бу корхона инфузион эритмалар ишлаб чиқарувчи йирик марказга айланиб қолди. Унинг хорижий инвестиция улуши 10,5 миллион АҚШ

### ҚўШМА КОРХОНАЛАРДА

долларига тенг бўлиб, йилга 6,5 миллион флакон ва 300 миллион донна таблетка тайёрлаш қувватига эга. Суртма дори ишлаб чиқаришга ихтисослашган «FPI-Тошкент» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси ҳам ўз фаолиятини кенгайтириб юборди. Унинг хорижий инвестиция улуши 0,3 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Ҳозир корхона йилга 1,6 миллион туб дори тайёрлаб, аҳолининг бу хил препаратларга бўлган эҳтиёжини қондиримоқда.

Кейинги йилларда «Тош-Тамел-фарма» ўзбек-герман қўшма корхонаси маҳсулотлари ҳам харидориги бўлиб қолди. Бу ерда тайёрланаётган таблетка ва капсула дори-дармон шакллари ҳамда инъекция учун флаконларда чиқарилаётган антибиотикларга талаб катта. Шу сабабли унинг ишлаб чиқариш қуввати ортиб, йилга 142 миллион таблетка, 6 миллион капсула чиқаришга эришмоқда.

Бу каби қўшма корхоналар томонидан чиқарилаётган маҳсулотлар мамлакатимизни муайян хил дори-дармонларга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш имконини бермоқда. Айни вақтда қўшма корхоналарда тайёрланган кўптеба препаратлар Марказий Осиё республикаларига экспорт қилинмоқда.  
Ақбар АЛИЕВ

ҳолда хашарлар уюштириляпти. Кўп қаватли уйлариинг ён-атрофлари ҳам саранжом-сариятга холга келтирилмоқда. Кўклам кўкламзорлаштириш фасли бўлгани боис ҳам кўчат экиш ишларини ҳам уюшқоқликда олиб бормоқдамиз. Шу кунгача Хўжаев кўчасига 200 тупдан ортиқ дарахт кўчатлари экилди. Фафур Фулом, Ботир Зокиров номидagi кўчаларимизга ҳам манзарали дарахтлар ўтказишни бошлаб юбордик. Шунингдек, ҳозирда биз 1000 туп терак, 500 туп манзарали ва 300 туп мевали дарахт кўчатлари ўтказиш таррадуидамиз.

Албатта, ўтган йилларда экилган кўчатлар парварширга ҳам муҳим эътибор қаратилади. Шунинг алоҳида таъкидлаш кераки, ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш, шахримизни гулларга бурқаш ишларида барчамиз ўз ҳиссамизни қўшсак кўнгилларимиз равшан, пойтахтимиз эса янада гўзал ва файзли бўлади. Шу боис ҳам ўлкамизда уфурётган баҳор нафаси барчага куч-қувват бағишлаши, шубҳасиз.  
(Ўз мухбиримиз)

## БИЛАСИЗМИ? Рекорд натижа

Тенги йўқ гишт терувчи  
1987 йил 21 февраль кун Америка Қўшма Штатларининг Иллиной штатидаги Бербанк шаҳрида яшовчи Роберт Болл 60 дақиқада 914 донна гиштини териб, гишт терувчилар ўртасида ўтказилган мамлакат биринчилигида голиб деб топилди. Шуниси аҳамиятлики, ханузгача мазкур натижа барчани ҳайратга солиб, дунёда тенгини билмай келаётди.

## Бир қўлида кўтариб

Гишт кўтариб югуриш бўйича рекордани буюқ британиялик Рег Моррис ўрнатган. У 4,08 килограмми гиштини бир қўлида чангаллаб ушлаганича 99,37 километр масофани тўхтамасдан босиб ўтган. Манзилга етганда эса қўли олдинга чўзиқли ҳолда бўлган. Аёллар ҳам бу борада эркаклардан қолшмасликка ҳаракат қилишган. Шу боис ҳам Буюк Британиядаги Уолсолл шаҳрида яшовчи Венди Моррис исми аёл гишт кўтарган ҳолда 36,2 километр масофани босиб ўтган...

Улкамизга фасли баҳор ила дилларни яйратиб, кўзларни қуватиб барчамизни соғинтириб Наврўзи олам кириб келмоқда. Шукроналар бўлсинки, мустақилликка эришгач, ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган миллий урф-одатларимиз, қадриятларимиз қайта тикланди. Наврўзи янгича мазмун билан бойиди, аҳамияти, қадри янада орди. Наврўзи меҳр-оқибат, саховат байрамига айланди. Хонадонларимизга ўзгача нур, шодлик, бахт-саodat олиб келди.

**Адилларда бахмал гилам, ниҳолларда куртаклар,**  
**Чор тарафда Наврўзи — аҷам, янги орзу-истаклар...**  
**Сув келар тоғ бағридан,**  
**тўлиб анҳор, жилғалар,**  
**Дошқозонда қайнар тотли, хушбўй исли сумалак.**

Ҳа, момоларимиз Наврўзи келиши билан қатта дошқозонларда сумалак, ҳалим тайёрлашга киришадилар. Катта кичик бу тансиқ таомни кавлашга ошиқадилар, ниҳат қилади. Дарҳақиқат, кимки, сумалакни кавлаб, ўз орзу-ниятларини айтса, албатта ниятига эришадилар. Шунинг учун ҳам сумалак қайнаётган қозон атрофида кавлаш учун навбатга турадилар. Инсонларни ўзаро саноимийлик, меҳр-оқибатга чорловчи, миллий анъаналаримизни қадрлаш каби ҳислатларга бой Наврўзи байрамимизни мана бу йил ўн биринчи марта тантанали нишонлаш арафасида.

Бу улғу айём кунлари қалбларга олам-олам қувонч ҳада этаётган Наврўзи ҳақида қил

тобларда ўқиганларимиз ёдга тушади. Хожа Али Термизийнинг «Наврўзнама» асариде айтилишича, Наврўзи олам яқшанба кунни кирса, неъматлар мўл бўлиб, тўқлик бўлади, гўзалар текис ўсади, полдиз ва экинлар яқши битади. Йил бошида арзончилик бўлади. Наврўзнинг келиб чиқиши ҳақида қўшлаб афсоналар, фикрлар мавжуд. Масалан, Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асариде янги йил — Наврўзнинг вужуд

Наврўзи кунни одамлар ота-оналари, яқин кишилари билан дийдорлашганлар, беморлар ҳолидан хабар олганлар. Орасидан гап қочган одамларни, уришган эр-хотинларни эл оғалари Наврўзи кунни яраштириб қўйишган. Гинакуратлар нутилган. Наврўзи дастурхонига етти хил даррахт шохидан намуна келтириб қўйишган. Улар: мажнунтол, зайтун, беҳи, анор, бодом, pista, ёнғоқдир. Шулар қаторида қатиқ, сут, пишлоқ, туҳум, балиқ ва ёниб турган шамлар ҳам қўйилган. Ушбу байрам кунни подшоҳлар элга ош берган, бандиларнинг гуноҳидан кечган, урушлар тўхтатилган.

Наврўзи кунлари қўш оши пиширилган. Қўш-омочлар созланиб, ҳўкизларнинг шохни мойланган. Сумалак пиширилаётганда фарзанд қутаётган аёлларга бугдой майсаси берилди, улар майсани зираги ёки қулоқларига тақиб қўядилар. Бу билан келаётган йилда фарзандли бўлишни орзу қилдилар.

Ҳақиқатан, Наврўзнинг ҳосиятлари, ўзига хос удувлари, яна биз билмаган қанча физиологлар бор экан...

Яқшиям Наврўзи бор — меҳр-оқибат, муҳаббат бор бу оламда. Яқшиям Наврўзи бор, шодлиғи қувонч бор, дилларда баҳор, яқшиям Наврўзи бор — қўй бор, қўшиқ бор, шоирнинг қалбиде оташин муҳаббат, туғенли шешт бор.

**Қулиб нури сочар қўёш,**  
**Тоғда қорлар тўқар қўёш.**  
**Семпал дон қўтарди беш**  
**Наврўзи яқин, Наврўзи яқин.**  
Дилором ИКРОМОВА

## Кўжлаам НАРАСА

га келиши шўх Жамшид номи билан боғланади. Жамшид юртва яқшилик қилиш мақсадида одамларни қасбга ўргатади, ип йигиртириб, кийим тўқитади, табиблик сирларини очади, боғлар бунёд қилади.

Қадимий манбалардан шу нарса маълумки, Эрон, Урта Осиё ва Афғонистонда Наврўзи айёмини нишонлаш Аҳмонийлар даврида кенг тарқалган. Агар шундай бўлса, бу байрамнинг тарихи 26 аср ва ундан ҳам ортиқ вақтга эгадир. Милоддан аввал қўлланила бошланган зардуштийлик тақвими бўйича февраль ойининг биринчи кунни — кичик Наврўзи бошланган, олтинчи кунни эса қатта Наврўзи уюштирилган. Сосонийлар сулоласи даврида эса бу икки Наврўзи бирлаштирилиб, қатта-кичик Наврўзи ўртасидаги барча кунлар байрам деб эълон қилинган. Вақт ўтиши билан ушбу айёмни нишонлаш бир оғта қўзилган.

Наврўзи билан боғлиқ расм-русумлар талайгина.

## ИЗҲОР Дилимиз тўрида

**Алифбони меҳр ила ўргатган,**  
**Бор билиму қалб кўрини таркатган.**  
**Мурғак ўғил-қизни бағрига босиб,**  
**Хар бирини қўёш янглиғ иситган.**  
**Ўқитувчим, ўқитувчим, ўқитувчим,**  
**Наврўзингиз қутлуг бўйсин ўқитувчим!**

Меҳри дарё ўқитувчилар ҳақида хар қанча шешр-у газаллар ёзсак арзийди. Улкамизга умри боқий байрамимиз, қадриятларимиз гултожи бўлиши Наврўзи олам яқинлашаётган шу нурафшон кунларда мен ҳам меҳри дарё, азиз ўқитувчиларимиз ёдга олгим келди. Мирзо Улуғбек туманидаги 35-мактабда ёшларга ҳормай-толмай илм-фан сирларини ўргатиб келаётган қалби қўёш устозлар: Матлуба Каримова, Салима Абдуллаева ва Людмила Васильева нар номини ҳамиша ҳурмат билан тилга оламан. Зеро, бошқа устозларимизнинг меҳнатларини қамситмаган ҳолда математика, она тили ҳамда рус тилидан илм бераётган устозларимиз дарс бериш услубини алоҳида таъкидлагим келади.

— Хар бир дарсга алоҳида тайёрланиб келаман, — дердилар Салима Абдуллаева. — Она тилимиз хар жиҳатдан бой. Шунинг учун дарсларни ҳаётий, жонли, мустақиллик йилларида хар жабҳада эришаётган ютуқларимиз билан боғлаб, турли мисоллар билан ўтишга ҳаракат қиламан. Хар бир бола ўзгача дунё. Шу боис уларнинг хар бирининг феъл-авторига мослаб муомала қиламан. Топшириқлар ҳам шунга яраша бўлади. Тобора қадр топаётган миллий байрамимиз Наврўзи ҳақида ўқувчиларимиз ёниб келаётган иншоларни ўқиганда дилим яйрайди. Мактабимизда хар йили устоз ўқувчилар билан биргаликда жонга дармон сумалак таомининг тайёрланиши ва байрамнинг шоду хуррамлик билан нишонланиши анъангага айлиниб қолди. Бу эса ўқувчиларга бир олам завқ бағишламоқда.

Азиз устозлар, яқинлашиб келаётган Наврўзи айёмингиз муборак бўлсин. Еш авлодга таълим-тарбия беришдек шарафли ва заҳматли меҳнатдан асло толманг.

Бейхитёр азиз устозимиз Салима Абдуллаева кўп бора тақдорлайдиган ардоқли шоиримиз Абдулла Ориповнинг қуйдаги шешри ёдга тушади.

**Яна баҳор келди, ана оламда,**  
**Ажиб бир гўзаллик, ажиб бир баёт.**  
**Мен сени қутлайман шу улғу дамда,**  
**Азиз елкадошим, музаффар ҳаёт!**

Исабой МАРКАБОВ



Новдаларни безар гунчалар.



Наврўзи айёмини нуруний қарияларимиздан тортиб кичкинтой болажонларимизгача орзиқиб, қалблари соғингча тўлиб шоду хуррамлик билан қарши олишмоқда. Шайхонтоҳур туманидаги «Зангиота» маҳалласида истикомат қилаётган 94 ёшли пир убадвалт, чехраларидан меҳр нурулари ёғилиб турган онахон Шарофат ая Абдуқодирова бугунги дорилором кунларга етказганга шукроналар айтиб, фарзандлари, набирои эваралари ардоғида кексалик гаптини сурмоқда.

**СУРАТДА:** Шарофат аянинг набиралари Файратжон ва Абдурашул бўвижонларини Наврўзи айёмини билан қутлашмоқда.

## БОЛАЛАРГА БАХОР ШЕЪРЛАРИ

### КИЗГАЛДОҚ

**Кўз-кўз қилиб баҳорни,**  
**Қирда чўғдай очилдинг**  
**«Қилт» этсан шамолга, эх,**  
**тўқилдингизда,**  
**соқилдинг.**  
**Асраш учун ўзини**  
**жоним,**  
**қурбиг етмади.**  
**Қувон,**  
**қўзни қувнатдинг,**  
**умринг бекор кетмади.**

### ГУЛБЕОР

**Тонда очиб қўзингни,**  
**оши кутдинг термулиб,**  
**Яна кўролмай,**  
**Шомдан,**  
**Кўзинг кетди юмулиб.**

### БИНАФША

**Миттигина қўзингни,**  
**жадиратма бинафша.**  
**Сувоб борсам олдинга,**  
**довдиратма бинафша.**  
**Нафасимдан қўқмагин,**  
**чуқмагин жон гулим,**  
**Ҳайлагим келди фақат,**  
**танқис гулим — хон гулим.**

### ЧУЧМОМА

**Ҳамо билан бош эғиб,**  
**Турар янаб чучмома.**  
**Қар-адираб баргиза,**  
**Чирой ташлаб чучмома,**  
**Сенинг қадду ҳуснингиз,**  
**Кўриб қўзим толамийди.**  
**Узиб олай дейман-у,**  
**Узишга қўл бормайди.**  
Ҳабиб РАҲМАТ

## Гўзаллик яратувчилар

**Фасллар келинчаги баҳор келиши билан табиат қайтадан тугилгандай жонланади. Шу паллада бутун вужудимизни ширин хиссийатлар қамрайди. Айнан шу сабаб кайфиятимиз кўтарилиб, қувончимиз ичимизга сиймайди.**

**Айни баҳор палласида пальтолар ечилиб, зебо аёлларимиз гўзал фаслга монанд ёрқин рангли кўстюмлар, қадди-коматларини кўз-кўз қилувчи либослар кийишади. Худди шу хусусда — яъни устувор мода яратувчилар ҳақида пойтахтимиздаги Республика модальар уйининг бош санъатшуноси Нигора Мухамедова билан сўхбатлашдик.**

— Нигора Собировна, марказнинг максд ва вазифаси нималардан иборат?

— Бизнинг Модальар уйи қошидаги тикув корхонасида мода йўналишига қараб арзон, бежирим, замонавий бўлган ягона нусхадаги кийимлар яратилади. Яратилади, дейишимнинг боиси бу ижодий ишдир. Шуниси диққатга сазоворки, биз корхонада ишлатадиган матолар асосан ўзимизда, Косонсойдаги «Пикмен» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилади. Марказимиз қошида театр-студия иш олиб боради. Улар кийим-кечаклар рекламаси билан шуғулланидилар. Марказнинг асосий вазифаси мода тарғиботидир.

**— Модальар уйда асосан кимлар учун либослар яратилади?**

— Албатта, асосан гўзал қиз-жувонларимиз учун. Буортмага асосан архақлар ва болажонлар учун ҳам либослар тайёрлайди. Барча тоифадаги бюртмачиларимизнинг эҳтиёжларини, талабларини қондиришга ҳаракат қиламиз.

**— Ёшлар ва мода ҳақида тўхталсангиз...**

— Ҳозирги кунда, ҳаттоки Европа мамлакатларида ҳам шарқона ранг (жило)лар устувор. Бу дегани юксак модада ҳам, оммавий мода йўналишида ҳам ёрқин ранглар етакчи ҳисобланади. Бугунги ёшларимиз жуда зукко, маданиятли, кизикувчан ва илланувчан. Улар қадди-коматларига қараб замонавий, қулай, бежирим либослар танлай оладилар. Улар аста-секин кийиниш маданиятларини ошира боришларига ишонаман.

Урта ёшли аёлларимиз ўзларининг либосларига, ташқи кўринишларига эътиборни қўйишлари керак, деб ҳисоблайман. Чунки ёшларимиз оналари, оналари ва атрафларидеги аёллардан ибрат оладилар ҳамда уларга тақлид қилдилар. Кийиниш маданиятининг инсон кайфиятига, рўҳиятига таъсири катта.

Сизларга доимий гўзаллик тилайман, лобар қиз-жувонлар!

(Ўз муҳбиримиз)

## Шаҳримиз — ҳаммамизнинг фахримиз

Ёшу қари орзиқиб кутаётган Наврўзи олам юртимизга ўзгача гўзаллик билан кириб келмоқда. Унга тараддуд ҳам ана шу гўзалликка яраша бўлмоғи лозим. Шу боис ҳам пойтахтимизда қишинг илқ кунларидан фойдаланиб ортасталик юмушлари бошланган бўлса, баҳорнинг кириб келиши уни янада жадаллаштириб юборди. Тожкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси бош агрономи Лазоат ИСЛОМОВА биз билан сўхбатда байрамолди ободонлаштириш ва кўк-ламзорлаштириш ишлари ҳамда келгусидаги вазифалар хусусида қуйдагиларни гапириб берди:

— Наврўзи оламнинг юртимизга ўзгача шукҳу билан кириб келаётганлиги ҳам-шаҳарларимиз қалбига яраши, яшнатishi ишқини солди. Шу боис ҳам йил бошидан бошланган покизалик ишлари янада жонланади ободонлаштириш ва кўк-ламзорлаштириш ишлари юмушлари ортиш тус олди. Пойтахтимизнинг хар бир туманида белгиланган режа асосида марказий кўча ва хиёбонларни тозалаш, да-

рактларга шакл бериш, кўча ҳамда бекатларни ортасталаш, айниқса байрам чиройига таровати билан гўзаллик бағишловчи атиргул ва турфа гуллар қўчатларини экиш ишлари ниҳоятга етмоқда. Ичимлик сувини тежаш ва авайлаб-асраш мақсадида арик ва сув шохобчалари тартибга келтирилди, уларнинг қўчилигида бугунги кунда сувлар оқмоқда.

Шуниси қувонарлики, ҳалқимиз ҳамиша «Хашар — элга

худодаларга файз бағишлади. Албатта, шодиванлар бошланадиган А.Навоий номидаги Миллий боғни тантанга тайёрлаш, ободонлаштириш ва беази ишларида бошқарма-миз ходимлари фаол иштирок этишмоқда. «Наврўзи» маж-

истиरोҳат боғларида кенг куламадаги тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Буларнинг барчаси миллий қадриятларимиз эъозланувчи, қадимий ва гўзал Наврўзимиз ҳамшаҳарларимиз кўнглига олам-олам қувончу шодликлар олиб кириши учун пухта заминдир.

Яна шунча ҳам айтиб ўтиш лозимки, фусункор баҳоримизни хар биримиз ўз меҳнатимиз билан беазимиз. Ана шунинг учун ҳам ушбу фаслда пойтахтимизни кўк-ламзор ва гулзор шаҳарга айлантириш учун қўчат экиш ҳам кизгин оқиб борилади. Шаҳримиз кўрқига айланган мухташам биноларимиз, майдон ва хиёбонларимиз, шохқўчаларимизга тароват бағишловчи манзарали гул ва даррахт қўчатлари ўтказиш режаси ҳам муваффа-

## Меҳр кунда керак

Наврўзи кунлари кексаларни, беморларни йўқлаш савоб иш. Ошна-оғайнилари билан байрам сайлидан қайтаётиб маҳалламиздаги Жамолдин отани кўрган бордик. «Роса хурсанд бўладилар-да, ўзиям», деган ҳавл билан эшикларига етиб келганимизни сезмай қолибмиз. Чунки ота ёлғиз, кампир қазо қилганига 10 йилдан ошди, кўзларининг оқи қораси бўлиши Жамолдин ака эса афғон урушидан қайтмади. Отанинг дарвозасини эндигина очмокчи ҳам бўлаётганимиз, ичкаридан гала-говур товушлар эшитилди. «Бемарид келмадикми ишқилиб. Еки ота билан учрашувни эртага қолдираимиз» деган уй ҳам хаёлдан ўтди. Бироқ шунча айў юриб, орқага қайтиш ҳам алам қилмади қишига. Хуллас, ичкарига қадам босдик. Буни қарангки, ота биз уйлағандек, ёлғиз эмас, аксинча маҳалладошлар кўршовида яйраб ўтирар, дастурхон эса баҳорий неъматлар — сумалак, кўк сомсаю чучвара билан тўлган. Биз ҳам ҳамма билан бирма-бир сўрашарканмиз отанинг хурсанд эканлигидан бошимиз осмонга етди. Дарвоқе, сайлидан келтирган Наврўзи таомларини ўртага қўйган дўстимиз Тўлқинга Жамолдин отанинг қўшиниси Невматжон ака шундай деди:

— Раҳмат уқалар. Наврўзнинг яшариш, янгилашиш, меҳр-мурувват байрами эканлигини унутмабсизлар. Бу яқши. Сизларга насиҳатим, доимо мурувватли бўлинглар, фақат Наврўзи кунларига эмас, иложи бўлса хар кун, хар соат меҳрга ташна инсонлар ҳолидан хабар олинглар.

Шу кунни отаникида узоқ қолиб кетдик. Маҳалладошлар гурунги анча вақтга давом этди. Биз ёру биродарлар эса Жамолдин ота сингарлар меҳрга ташна инсонлар ҳолидан тез-тез хабар олмоққа аҳд қилдик.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Халқимиз азалдан меҳмондўст. У тўю туркунларни жуда қадрлайди. Иккони борича бундай маросимларни элга манзур қилишга ҳаракат қилади. Лекин шундай базмларда баъзи бир енгил табиатли кишилар бўладики улар ўзларининг бемаъни, ҳаёсиз қилиқлари билан тантана иштирокчиларининг гашига тегиб, ўзларини кўпчилик олдида шарманда қилдилар. Қуйидаги ҳикоят уларга ибратлидир.

Бир подшо кўнгил ёзиш ниятида бутун мамлакатга катта тўй берди. Унда зийнат хар қанча тумон қилингандан ҳам ортиқ даражада эди. Бутун қишлоқ ва шаҳарлардаги аҳоли бошдан-оёқ ясаниб, қўчага чиқа бошлади. Бу тўйда санъат аҳли жуда юксак маҳорат кўрсатиб, осмон қўёши каби порлоқ тумбазли юзта тўрт бурчакли чодир қурдилар. Хўнар аҳлининг барчаси уларни шунчалик безатишдики, натижада бу чодирлар бутун мамлакатнинг кўрқига айланди. Қўп ажойиботлар кашф этилдики, ҳаёт ўз сеҳрига ўзи ром бўлиб қолди. Хар бир киши ўйин-қўлти деб найрангобозлик қилди, ғам-ҳасратни доғда қолдириш учун айшу ишрат нашу намосини оширдилар.

Шу одамлар орасида бир беҳаё разил киши ўзини бўйра шўхи деб эълон қилди. Унинг устидаги кийими бошдан-оёқ бўйрадан бўлиб, салоқ, қалқон ва камонни ҳам бўйрадан ясалган эди. У бир неча нокас масҳарабоз дўстларини ҳам ўзига ўхшаш ясантирди. Шу тарзда улар базм майдони томон йўл олдилар. Йўл-йўлакай хар хил бузуқ, билъат ўйинлар кўрсатдилар. Уларнинг бошлиғи эса ўзини гўё мамлакат шўхи ҳисоблар, хар нимани қилган ҳазил ишларини мақўл деб билар эди.

Ниҳоят, шодлик айёми ниҳоятга етиб, у аблаҳ ўзига тазийа тутди. Уни ушлаб олиб, соябони ва тожини бошига урдилар, бўйра тўнини эса бузиб, қуйдириб юбордилар. Бу ҳангомадан сўнг билдикни, шодлиғи масҳара бўлишдан бошқа нарса эмас экан.

Бойлик, молу давлатга ружу қўйиш ҳеч бир кишини яқшиликка олиб бормаган. Мана бу ҳикоят шундайлар ҳақидадир.

Бир мамлакатда бир девона киши бор эди. Унинг маскани кеча-кундуз вайрона эди. Хар дам ўша вайронанинг бир ёнини қазиб ўз умрини ҳазинага эриштиш умиди билан ўтказар эди. Иттифоқо, шунча машаққат чеккандан сўнг бахти чопиб, ҳазинани топиб олди. У қазитган чуқурда бир эшик кўринди. Ичкари киргач, қатта бир саройга дуч келди. У ерда Фаридун, балки Қорун ҳазинасига тенг қирқта хум турар эди. Телба бу бойликни кўриб, хушидан кетиб қолди. Шу орда бу ерта бир аблаҳ киши етиб келди. У ҳазина олдида хушидан кетиб ётган девонани кўрди ва ҳеч бир иккиланмай пичоқ санчиб, унинг қонини ўша ҳазина устига тўкди ҳамда бутун бойликни эгаллаб олди.

Шундай қилиб унинг яшашдан мақсади ҳазинага эришмоқ эди. Аммо бору йўқ сармоясидан — ҳаётдан ажралиб қолди.

Яқши сўз қадри доимо қадрланган, зеро ундан инсон дили айраган, ҳаётга муҳаббат уйғонган.

ҲИКОЯТ. Бир доғишманд шўх ҳузурига икки киши келиб, бир ҳикоят айтишчиларимиз дейишди.

— Айтинглар, яқши ҳикоятли сўзга муқофот берилди, — дебди шўх.

Биринчи киши дебди:

— Яқши хулқли, яқши хўнарли, яқши ниятли бўл, токи одамлар сени абадул-абад яқшилик билан эслаб юрсиналар.

Иккинчи киши айтибди:

— Яқшилар қаторида бўлай десанг, дилингда ёмон ният тугма, ёмонлик қилма, ёмонлар билан юрма, ҳаётда ёмон ном қолдирма.

Шўх ҳикоятнома бу гапларни эшитиб, биринчи кишига — икки юз, иккинчисига — юз тилла инъом қилиб, уларни қузатиб юборибди. Шунда шўхнинг вазири: — «Эй алапанхо, бу икки киши бир хил мазмунда яқши ҳикоят айтидилар, нега уларни икки хил муқофотладингиз?» — деб сўрабди.

Шўх бундай жавоб берибди:

— Дарҳақиқат, улар бир хил мазмунда насиҳат сўзи айтидилар, мен нуқул «яқши» сўзини ишлатган софдил кишига икки юз тилла, «ёмон» сўзини кўп ишлатгани учун иккинчисига камроқ — юз тилла инъом бердим.

Одамлар гўзал юзни саодат деб билдилар ва ундан баҳраманд бўлишни яқшилик аломати ҳисоблайдилар. Гўзал юз уч фазилатга эгадир. Улардан бир шўхи, гўзал юз уни кўрган одамнинг шу кунини хайрли этади, иккинчисига, ҳаётдан баҳраманд бўлиш омилларини ширин қилади, учинчисига, у одамни очиқ кўнгилли ва олжонанг этади.

Агар бирор одам тонг чоғида гўзал юзни кўриб қувонган бўлса, бу унинг бахтлилигидан далолат беради ва шу кунни у фақат хурсандчилик қўради. Инсон гўзал юзли одам билан ёнма-ён ўтирса унинг учун ҳаёт қувноқ бўлади, ғам кетади ва ишлари ривож топади. Бирор одам ҳаттоки у довурак бўлмаса ҳам ва ўзи тубан бўлса ҳам, агар гўзал юзли одамни кўрса унда довураклик ва олижаноблик туйғулари уйғонади. Одамлар гўзал юзли кишиларни кўрганларида унга меҳр ва ҳурмат билан қарайдилар, чунки гўзаллик ҳаёт гашини суришининг хайрли неъматидир.

ҲИКОЯТ. Айтишларича, бир подшоҳ ўз қўшинидаги сипоҳдорларидан бирини қамаб қўяди. Кўп одамларнинг илтимосларига қарамай, уни маҳбўсликда сақлайди. Охири ҳамма умидини узади. Бу сипоҳдорнинг ширинсухан канизаги бор эди. У арзнома ёзди ва подшоҳ ҳакамлик мажлисини бошлаган кунни паранжи ёпини, унинг олдида келди ва арзномасини топшириб деди:

— Эй амир, кечиргил, чунки топган — беради, қўлидан келган — кечиради.

Подшоҳ:

— Канизак, хожангнинг гуноҳи унинг кечиршига бўлган умиддан каттароқдир, — деди.

Канизак айтиди:

— Эй амир, менинг ҳомийим сенинг қаршингда турибди. У сенинг инкор қилишингдан зўрроқдир.

Амир сўради:

— Сенинг ҳомийингнинг ўзи нима?

Шунда канизак қўли билан чачиновини кўтарди ва юзини кўрсатиб:

— Мана менинг ҳомийим, — деди.

Подшоҳ канизакнинг юзини кўргач, қулимсираб бундай деди:

— Сен олиб келган ҳомийинг буюк экан, аммо илтимосингни ҳам баҳоси баланд, — у шундай деб сипоҳдорини қамадан чиқариб юборишни буюрди.

# Кўшиқлари мунис, дилтортар



Ўтган ойнинг бошида пойтахтимизнинг гўзал қошаларидан бири — «Ўзқўрғазмасавло» саройида мунис, кўшиқчилик санъатига қириб келадиган ёш, умидли истеъоддорларнинг «Умид юлдузлари» фестивали катта муваффақият билан иккинчи бор ўтказилган. Уни Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Ўзтелевизиокомпания, «Ўзбекнаво» эстрада-концерт бирлашмаси, Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорликда ташкил этдилар.

Мазкур фестивалда жуда кўплаб ёшлар қатнашди. Ушбу ёш истеъодлар ўз санъатларини намойиш этиб, эстрада-маданиятнинг бўлғуси юлдузлари эканликларини кўрсатдилар. Ёш хонандалардан энг муносиблари ҳайъат аъзолари томонидан танланиб, фестивалнинг совриндори бўлдилар.

Совриндорлар орасида умидли санъат гунаҳаридан бири бўлиши Дилноза Мирзахўжаева ўзининг кўшиқини ва тиниқ овози билан алоҳида ажралиб турди. Дилноза айни кунларда Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти кинотелерадио факультетининг 3-курсига телевидение режиссёри мутахассислиги бўйича тахсил олмакда. Дилноза фестивалда «Кутаман» номли кўшиқини куйлаб, совриндор бўлди. Шунинг таъкидлаш керакики, бу кўшиқнинг матни ва мусиқасининг муаллифи ҳам Дилнозанинг ўзи.

Хозирги кунда ёш хонанда ўз устида тинмай ишлаб, замонавий эстрада йўналишида ижод қилмоқда. — Ҳаётда бирор максатга эришиш учун тинмай меҳнат қилиш, изланиш ва кўп ҳолларда анчагина нарсалардан воз кечишга тўғри келади. Санъатнинг қайси тури бўлмасин, унга йўл фақат битта, деб ҳисоблайман, — дейди Дилноза. — Келажакда Ўзбекистон телевидение-сида режиссёрлик фаолиятини амалга ошириш ниятиданман. Мусиқани ҳам жон-дилимдан севаман. Насиб қилса, келажакда кўшиқларга куй басталасаму уни машҳур хонандалар ижро этишса...

Дилнозанинг онаси Сожида опа ҳам ёшлиқдан мумтоз кўшиқларни, халқ кўшиқларини куйлашни севади. Аммо оилавий шароит тақозоси билан тиббий соҳасини эгаллади. У кенжа фарзандидаги кўшиқчиликка бўлган ҳавасни кўриб ёшлиқдаги орзулари қанотлангандай севинди. Шу тариқа Дилнозани 10 ёшидан Ҳасанбой Исломов номли 23-музыка мактабига ўқишга бердилар. У мактабда фортепьяно синфига санъат сирларини кунт билан ўргана бошлади. 1992 йилдан Нодира Қурбонова бошқараётган «Томоша» гуруҳига аъзо бўлиб, унинг таркибига турли концертларда қатнашди. 1996 йили Ўзбекистон телевидениесининг «Биргаликда куйлаймиз» телетанловининг III босқичида қатнашиб, биринчи ўрин соҳиб бўлган ва Жанубий Кореяга йўланма ва қимматбаҳо совға билан тақдирланган. 1997 йили Мустақиллик байрами арафасида Дилноза таниқли режиссёр А.Эшонхўжаев билан ҳамкорлик қила бошлади. У ёш хонандага «Бугун байрам» номли кўшиқни Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокиров билан кўшовозда ижро этишни тақлиф қилди ва Дилноза бунинг урдасидан чиқди. Муҳаммад Юсуф шеърига Руслан Шарипов куй басталаган ушбу кўшиқ кўпчиликка манзур бўлди. Шундан сўнг Тошкент шоубо-латида яққоҳ хонанда этилган кўшиқлари ҳам ўрин олган. Дилноза доимо изланишда. У ўз орзулари йўлида ҳормай-толмай, кўтаринчи қайғий ва ишонч билан қадам ташлашига тилак-дошмиш. Мунис куй ва гўзал, дилтортар кўшиқлар яратавер, Дилноза!

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

## ТАНИШИНГ, ЯНГИ РУКН: ФАЛАКИЁТ СИРЛАРИ

Инсон табиати гўзаллик ва сарғузаштларга мойил. Шу аснода қонинот битмас-туғанмас манбадир. Янги XXI асрнинг 2002 йилида ҳам фалак ўз шайдоларига кўплаб ажойиботларни тухфа қилади. Чунки бу йили Ой-Кўёш тўтилишлари, Ой билан юлдузлар тўшилишлари, сайёралар сайри, думли юлдуз — кометалар, метеор оқими — юлдузлар ёмғирларини марок билан қўзатишимиз мумкин. Шунингдек, 15 мартда Хижрий ҳисобда Мухаррам ойи кириб 1423 йилнинг бошланиши ва 21 мартда эса 12 йиллик мучал ҳисобида Илон мучали ўрнини От мучали олиши нишонланади.

Ўтмишга ҳурмат билан муносабатда бўлиш ўзликни англашда муҳим аҳамиятга эга. Шу масалада бу йил башарият ўзининг донишманд фарзандларининг шонли таваллуд саналарини нишонлайди. Учунчи мингйилликнинг 2002 йилида «Кўёш соатлари ҳақида рисола», «Кун ва тун вақтларини аниқлаш» ва «Соғлар ҳадвали» асарларининг муаллифи фалақшунос Саййид Ас-Самарқандий таваллудига 1090. «Юлдузлар ҳақида илим рисоласи», «Бағдод тарихи», «Дамашқ шаҳри тарихи» асарларининг муаллифи тарихчи ва астроном Аҳмад ал-Хатиб ал-Бағдодий таваллудига

1000, «Наврўнома» асарининг муаллифи, мударрис, математик ва фалақшунос Исмойил Хатунбади

излаб топган немис астрономи Иоганн Галле таваллудига 190 йил тўлади. Янги қирган йилда телескоп

муаллиф инквизиция судига жалб қилинган ва ўлим жаосидан зур-базур омон қолган эди. Башарият тарихининг бу шонли саналари кенг жамоатчилик тарафидан ёд этилишига шубҳа йўқ. Ушбу йилда икки бор Кўёш ва уч бор Ой тўшилиши содир бўлади: 10-11 июль ва 4 декабрларда

бевосита нигоҳимиз ёрдамида метеор оқимларини кузатишимиз мумкин. Апрель Ойида самода чиройли манзаралардан яна бири — Ой Зўжал сайёрасини тўсиши ҳолати содир бўлади. Йил давомида тун осмонида мароқ билан Муштарий, Зухра, Зухра, Миррих сайёраларини нигоҳ билан кузатиш мумкин. Телескоплар воситасида эса бу йил Уран, Нептун ва Плутон сайёраларини ҳам кузатиш имконияти бор.

Биз юқорида фалақийётга оид бир неча сана ва жорий йилда содир бўладиган воқеаларгагина эътиборни қаратдик. Ваҳоланки, фалак бетакдор. Унинг сирини синаётларига эса сон-санок-сиздик. Ахир борлиқни билиш — ўзликни англаш омилдир. Уйлаймизки, бизнинг само сирлари ҳақидаги суҳбатимиз яна давом этади.

Саййид Баҳром АЗИЗОВ, фалақшунос.



Халқимизнинг азалий байрамларидан бири — Наврўз олам арафасида Юнусобод туманидаги 246-ўрта мактабда ўтказилган зукко ўқувчлари мусобақаси ана шундай номланди. Унда Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятидан келган ўндан ортиқ ўрта мактабларнинг 6-7-синф ўқувчилари иштирок этди.

Бу сафар ҳакамлар ҳайъати, ота-оналар, кўп сонли меҳмонлар ва тенгдошлари нигоҳи остида олдинги давраларда голиб чиқиб, яқиний мусобақада иштирок этиш ҳуқуқини

## ТАНЛОВЛАР Аҳрамотлар юртига саёҳат

кўлга киритган бешта мактаб билимдонлари беллашдилар. Улар пойтахтнинг Акмал Икромов туманидаги 107, Ҳамза туманидаги 307, Мирза Улугбек туманидаги 210, Юнусобод туманидаги 246 ва Собир Раҳимов туманидаги 191-мактаб ўқувчиларидан иборат жамоалар эди.

Шундай қилиб «Аҳрамотлар юртига саёҳат» танлов-мусобақасида биринчи ўрин Акмал Икромов туманидаги 107-мактабнинг Я. Дьянкова раҳбарлигидаги ўқувчиларига насиб этди. Ўқувчилардан Вика Хан, Андрей Тен ва Евгений Ермолаев юксак билимлари билан жамоа муваффақиятига катта улуш қўшдилар. Мирзо Улугбек туманидаги 210-мактабнинг В. Пахомова раҳбарлигидаги ўқувчиларга иккинчи ўрин насиб этди. Ҳамза туманидаги 37-мактаб ва Юнус-

бод туманидаги 246-мактаблар учинчи ўринни ўзaro бўлишиб олдилар. Шуниси эътиборга лойиқки, Мисрнинг Ўзбекистондаги элчихонаси Матбуот шўъбаси сўнги беш йил давомида республикамиздаги турли ташкилот ва муассасалар, даврий нашрлар, радио ва телевидение билан яқин ҳамкорликда икки дўст юрт халқларини бир-бири билан яқиндан таништириш йўлида турли тадбирлар ўтказиб келади. Юқоридаги танлов-мусобақалар ҳам шулар жумласидандир.

Мазкур шўъбанинг раҳбари Миср элчихонасининг ОАВ бўйича маслаҳатчиси Раъфат Ас-Сабъа бу сафар ҳам ўзбекистонликларнинг Мисрга нисбатан бўлган қизиқишлари, бу ўлка ҳақидаги бой билимларига қойил қолганини яширмай, ушбу тадбирда иштирок этган барчани апрель ойида голибларни тақдирлаш мусобақати билан ўтказиладиган тантанали кечага таширф этди. (Ўз муҳбиримиз).

СУРАТДА: «Аҳрамотлар юртига саёҳат» танлов-мусобақасидан лавҳа.

## Ўртинмизда оз бўлсада футболга кизиққан ҳар бир муҳлис

захматқаш мураббий, ўзининг бутун умрини республикамизда спортнинг ушбу турининг ривожига бахшида қилган инсон — Сергей Арутюновни яхши танийди. Уни халқаро миқёсда ҳам эъзозлашларига далил сифатида эса 1998 йили Францияда ўтган жаҳон чемпионатида Сергей Арутюнов ФИФАнинг фахрий медали билан тақдирланганини эслатиб ўтишимиз мумкин. Эътиборга лойиқ томони шундаки, МДХ мамлакатлари бўйича у бундай юксак мукофотга лойиқ деб топилган ягона мутахассис ҳисобланади.

Бундан саксон йил муқаддам пойтахтда таваллуд топган Сергей Артёмович ёшлик чоғлариданоқ футболга меҳр кўйди. 15 ёшида Тошкент ўсмирлар саройининг кучли жамоасида ўзига хос маҳорати орқали тилга тушди. 18 ёшидан эса Ўзбекистон чемпиони ва кубого соҳиб бўлган «Динамо» (Тошкент) жамоасида тўп сарошлади.

Иккинчи жаҳон уруши жантўҳларидан соғ-омон қайтиб келганидан сўнг у футболдаги фаолиятини шаҳримизнинг «Спартак» жамоасида давом эттирди. Шу билан бир Республика тоифасидаги ҳакам сифатида ўйинларни ҳам бошқариб борди. Бироқ мураббийлик фаолияти С.Арутюновни ҳаётининг асосий мазмунига айланди. Яшил майдондаги оғир жараҳати сабаб бўлиб, 30 ёшта тўлма-

## МУРАББИЙЛАРИМИЗ САРДОРИ ҲАМОН САФДА



силданоқ ўзининг дастлабки жамоасига мураббийлик қила бошлади. 1953 йили Сергей Арутюнов Ўрта осилек мутахассислар орасида биринчи бўлиб мураббийлар олий мактабининг тўнголчиси бўлиб ва бер ера Д.Фелотов, К.Бесков каби улғу футболчилар билан бирга сабоқ олди. Курсларни тугатган Арутюновни 1956 йили очилган «Пахтакор» футбол мактабига катта мураббий сифатида тақлиф этилди. Ушбу даврларда футбол мактабидан «Пахтакор» жамоасига жуда кўплаб иқтидорли ўйин-

## ФУТБОЛ

чилар етказиб берилди. Геннадий Красникий, Виталий Суянов, Биродар Абдураимов, Ҳамид Раҳматуллаев, Станислав Стадник каби ўйинчилар унинг дастлабки қалдирғочлари бўлишди. Сергей Арутюнов раҳбарлик қилаётган мактаб тарбияланувчилари турли мусобақаларда салмоқли ютуқларга эришишди.

Чунончи, 1959 йили пахтакорчилар усталар жамоалари тайёрлов гуруҳлари ўртасида ўтказилган биринчиликнинг бронза нишонларини кўлга киритдилар. Орадан уч йил ўтганидан сўнг Сергей

Арутюновга биринчилардан бўлиб «Республикада хизмат кўрсатган мураббий» унвони берилди. 1964 йили эса Арутюнов бошқараётган жамоа «Юност» совринининг соҳиб бўлди. 1974 ва 1976 йилларда Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аънавийни халқаро турнирнинг совриндори бўлди. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, мураббийларимиз сардори моҳияти жиҳатидан ягона футбол тарихи музейининг ҳам ташкилотчиси ҳисобланади. Шаҳримиздаги Чигатой базасида фаолият кўрсатаётган ушбу музей экспонатлари бўлиши футболчилар дастхатлари тушурилган тўплар ўрин олган. Сергей Арутюновнинг номи футбол энциклопедиясига ҳам кирган бўлиб, унда Ўзбекистон футболчи ривожига катта ҳисса қўшган инсон сифатида таърифланади.

Фахрий мураббий, ҳакам, ноёб музей ташкилотчиси Сергей Арутюнов саксон ёшга қадам қўйганлигига қарамай ҳамон сафда. «Чигатой» футбол мактабига болаларга мураббийлик қилиш билан бирга устозлар кенгашининг фахрий аъзоси сифатида ёшларнинг ўзининг қимматли ўғитларини аямайди, бой касб-маҳорати билан Ўзбекистон чемпиони олий лигасидаги ўйинларни назоратчи ҳакам сифатида бошқариб бормоқда.

Дилшоҳ ИСРОИЛОВ

СУРАТДА: моҳир мураббий Сергей Арутюнов (ўртада) УХ асрнинг энг кучли Ўзбекистон футболчиси Геннадий Красникий билан. Машҳур устоз Гавриил Качалин билан.

## МУҲТАРАМ ҲАМШАҲАРЛАР!

«Тошшаҳармаишийхизматушма»си Сизларни Наврўз байрами билан табриқлайди. Қарияларни қадрлаш йили ва Наврўз байрами муносабати билан Хайрия сифатида куйидаги сартарошхоналарда туман маиший хизмат кўрсатиш уюшмалари билан биргаликда кекса ва ногирон мижозларга бепул хизмат кўрсатишни ташкил этади. 2002 йил 20 март — Наврўз байрами арафасида кекса ва ногирон мижозларга бепул сартарошлик хизматини кўрсатадиган корхоналар рўйхати

№	Корхона номи	Манзили	Телефони	№	Корхона номи	Манзили	Телефони
1.	«Мирқўмон» ХФ	Акмал Икромов тумани	72-67-03	23.	«Нажоткор» РТПФ	Чилонзор тумани	76-88-89
2.	«Шавкат Нур» ХФ	26-мавзе, Лутфий кўчаси	74-22-21	24.	«Ойдин Юлдуз» ХФ	Чилонзор даҳаси, 10-мавзе, 15-уй	78-12-57
3.	«Вавилон бизнес» ХФ	24-мавзе, 42-уй, 1-хонадон	72-51-45	25.	«Ася Асал» ХФ	Халқлар дўстлиги кўчаси, 4а-уй	77-09-98
4.	«Ирина Грация» ХФ	24-мавзе, 13-уй, 4-хонадон	76-02-75				
5.	«Регистон» ХФ	Фарҳод ямарқаси, 2 қатор	74-09-42				
6.	«Чун-Чун» ХФ	Фарҳод ва Саққойи кўчалари кесичувида	195-19-66				
7.	«Ларс-ЛКВ» ХФ	Х. Бойқаро кўчаси, 108	—				
8.	«Яна-Бриз» МҲК	Бектемир бозори	—				
9.	«АОО Дилором» ХФ	Кичик-Бешёғоч кўчаси, 204	191-76-71				
10.	«Аваздан» ХФ	Ш. Рашидов кўчаси, 77-уй	—				
11.	«Нозанин» ХФ	Мунис кўчаси, 80 а-уй	90-78-51				
12.	«Хуррият Бегим» ХК	Норхўжаев кўчаси, 166-уй	—				
13.	«Марос» ХФ	Мирзо Улугбек тумани	66-33-91				
14.	«Ойяли» МҲК	Буюк Ипак йўли кўчаси, 257	64-92-18				
15.	«Моно» ХФ	Тракторсозлар даҳаси, 4-мавзе, 4-уй	68-78-91				
16.	«Линда» МҲК	Оқўрғон кўчаси, 32-уй	161-46-89				
17.	«Карима» ХФ	Хумон кўчаси, 3а-уй	65-72-64				
18.	«Заҳро» ХФ	Корасув-2 мавзеси, 18-уй	—				
19.	«АОО Дилором» ХФ	Собир Раҳимов тумани	46-61-19				
20.	«Асунсон» ХФ	Фаробий кўчаси, 418-уй	144-52-70				
21.	«Назозатбегим» ХФ	Себор даҳаси, 52-уй	48-72-63				
22.	ХТ «Петина А.»	Корақамий 1/2 даҳаси, савдо мажмуаси	—				
		Сергели тумани	72-70-82				
		Сергели-8а даҳаси, 21-уй, 19-хонадон	—				
		Спутник-7 даҳаси, 47-уй	—				
		Кўйлик-5 мавзеси, 29-уй	—				

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ  
Манзил: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32  
Телефонлар: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.  
Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563  
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 8332 нускада босилади. Қўғоз бичими А-2

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»  
Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларини, шунингдек таъзияларини, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларини, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларини ўз саҳифаларида ёритади.

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телесфон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09.  
МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-КАВАТ, 204-ХОНА.

Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳридаги 17-ўрта мактаб томонидан 1997 йили Қараджанова Умида Хайдаровна номига берилган 410636 рақамли таъна маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент Мелиорация ва сув ҳўжалиги коллежи жамоаси кекса ўқитувчи МУХТОР БАХРАМОВНИНГ бевақо вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқин қариндошларига чўқур ҳамдардик билдиради.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.  
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.  
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.